

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МИРСАНОВ БОБОМУРОД МУҲАММАДИЕВИЧ

**ЎЗБЕК ТИЛИ ТЕРМИНОЛОГИЯСИДА ИККИЛАМЧИ
НОМЛАШЛАР ВА УЛАРНИНГ МОТИВЛАШУВИ
(ўзбек тили зоонимлари ва фитонимлари мисолида)**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Мирсанов Бобомурод Муҳаммадиевич

Ўзбек тили терминологиясида иккиламчи номлашлар ва уларнинг
мотивлашуви (ўзбек тили зоонимлари ва фитонимлари мисолида)..... 3

Мирсанов Бобомурод Муҳаммадиевич

Вторичные наименование в терминологии узбекского языка и их
мотивация (на примере зоонимов и фитонимов узбекского языка) 23

Mirsanov Boomurod Muhammadievich

Secondary nomination in the Uzbek terminology and their motivation
(for example zoonyms and phytonyms of Uzbek language) 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МИРСАНОВ БОБОМУРОД МУҲАММАДИЕВИЧ

**ЎЗБЕК ТИЛИ ТЕРМИНОЛОГИЯСИДА ИККИЛАМЧИ
НОМЛАШЛАР ВА УЛАРНИНГ МОТИВЛАШУВИ
(ўзбек тили зоонимлари ва фитонимлари мисолида)**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Fil386 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд давлат университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шамсиддинов Ҳаким
филология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Юлдашев Иброҳим Жўраевич
филология фанлари доктори, профессор
Жуманазарова Гулжаҳон Умрзоқовна
филология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил “_____” _____соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz Самарқанд давлат университети, Бош ўқув биноси, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (0366) 239-11-40).

Диссертация автореферати 2019 йил “_____” _____да тарқатилди.
(2019 йил «_____» _____даги _____-рақамли реестр баённомаси).

М.Қ. Муҳиддинов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

А.Б.Пардаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.д.

А.Э.Маматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида терминология соҳаси ривож топган ва такомилга эришган илмий йўналиши ҳисобланади. Бинобарин, тилнинг тафаккур билан боғлиқ қиёслаш, таснифлаш, абстракциялаш, анализ, синтез ва бошқа жиҳатлари билан алоқадорликда номлаш натижаси сифатида юзага келган терминлар, уларнинг тил тизимидаги ўрни, вужудга келишининг экстралингвистик ва интралингвистик омиллари, воқеланиш усулларини ўрганиш муҳим масалалар сирасига киради. Изланиш давомида бу назарий қарашларни асослаш, далиллар орқали изоҳлаш мавзуни долзарблигини белгилайди.

Жаҳон тилшунослигида лисоний тизимнинг салмоқли қисмини ташкил этувчи терминлар илм-фан тараққиёти учун бой материал берувчи манба бўлгани боис доимо эътиборда бўлиб келган. Иккиламчи номлаш инсон руҳиятининг ажралмас қисми бўлган хотира билан боғлиқ тарзда кечувчи ассоциатив тафаккурнинг объектив борлиқ нарса-ҳодисаларини билишдаги маълумдан номаълумга ўтиш асосига қурилган психоллингвистик жараён дур. Унда ассоциатив тафаккурнинг ўхшашлик ассоциацияси тамойили етакчилик қилади ва метафорик иккиламчи номлашлар кечади. Унинг замирига маълумдан номаълумга ўтиш диалектикаси сингдирилгандур. Инсон ассоциатив тафаккурининг ёндошлик ассоциацияси қонуният асосида юзага келган иккиламчи номлашларни тилшуносликнинг замонавий тадқиқот усуллари билан ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек тили терминологияси анча ривожланган бўлса-да, инсон ассоциатив тафаккурига хос тамойиллар – ўхшашлик ассоциацияси қонуният ва ёндошлик ассоциацияси қонуният таъсирида юзага келган иккиламчи номлаш масаласи лингвистик аспектда махсус ўрганилмаган. Бугунги кунда ўзбек тилшунослиги, жумладан, терминология олдида замонавий тараққиёт тамойилларига асосланган истиқлол даври терминологик сиёсати асосида янги тадқиқотлар яратиш вазифаси қўйилмоқда. Таъкидлагандек, “Олий таълим муассасаларида илмий салоҳиятни янада ошириш, илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш қўламини кенгайтириш – энг муҳим масалалардан биридур”¹. Ўзбек тили терминологиясининг ўзаро яқин ва қадимий бўлган зоонимлар ва фитонимлар терминологияси таркибидаги иккиламчи номлаш асосида шаклланган терминларни комплекс тарзда тадқиқ этиш ана шундай вазифалар жумласидандур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокчини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси. 2018 йил 29 декабрь.

Қарори ҳамда 2018 йил 28 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномаси талабларига мос равишда фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти ҳам муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий – ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек тилшунослигида, жумладан, терминшунослигида XXI асрга қадар иккиламчи номлаш юзасидан илмий кузатувлар олиб борилмаган деган фикрни айтиш ноҳолислик бўлар эди. Чунки олий ва ўрта махсус таълим йўналишлари учун нашр этилган дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг деярли ҳаммасида метафора, метонимия, синекдоха, функциядошлик билан боғлиқ ном кўчишлари ёритилган. Демак, бу ҳодисалар билан боғлиқ тарзда иккиламчи номлашлар ҳам муайян даражада ўз аксини топган, фақат улар иккиламчи номлашлар маҳсули сифатида қайд этилмаган. Бундан ташқари, касб-ҳунар лексикаси ва қатор соҳалар терминологиясига бағишланган докторлик ва номзодлик диссертацияларида ҳам семантик усул билан ясалган терминларга алоҳида қисмлар ажратилган. Демак, ўзбек терминшунослигида ҳам иккиламчи номлаш у ёки бу даражада ўз аксини топган.

XX асрнинг иккинчи ярмидан ўзбек тилшунослигида касб-ҳунар лексикаси ва соҳалар терминологиясига бағишланган қатор номзодлик ва бир неча докторлик диссертациялари ҳимоя қилинган. Уларнинг ҳар бирида семантик усулда ясалган сўзлар ва терминлар юзасидан қайдлар мавжуд. Лекин бу даврда номлаш масаласига оид йирик монографик тадқиқот яратилмаган. Шу даврнинг сўнгги чорагида иккиламчи номлашга алоқадор айрим тадқиқотлар яратилган². Ўзбек тилшунослигида иккиламчи номлашга алоқадор икки номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинган бўлиб, уларнинг бири Л.Худойбердиеванинг “Ўзбек тилида номинатив бирликларнинг даражаланиши” мавзuidaдир. Тадқиқотнинг иккинчи бобида ўрин олган биринчи, иккинчи ва учинчи параграфларида иккиламчи номлаш юзасидан баҳс юритилган. Хусусан, янги тушунчаларни ифодалаш усуллари, иккиламчи номлашларнинг турлари – метафорик ва метонимик кўчимлар ҳақида, шунингдек, учламчи номлашлар юзасидан ҳам кузатишлар бор. Асосий эътибор номлашнинг бирламчи, иккиламчи, учламчи каби даражаланишлардан иборатлигини қайд этишга қаратилган³. Иккиламчи номлашга оид номзодлик диссертацияларидан иккинчиси – Ғ.Исмоиловнинг

² Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. – Тошкент: Фан, 1975. – 140 б.; Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: MUMTOZ SO'Z, 2010. – 288 б.; Ҳожиёв А. Семасиология // Ўзбек тили лексикологияси. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 189-234.

³ Худойбердиева Л.С. Ўзбек тилида номинатив бирликларнинг даражаланиши. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2003. – 23 б.

“Ўзбек тили терминологик тизимларида семантик усулда термин ҳосил бўлиши” мавзудаги ишдир⁴. Мазкур диссертацион ишнинг номланиш билан унинг мазмунида номутаносиблик бор: диссертацион иш матнида транстерминлар юзасидан изланиш олиб борилган, икки мавзунинг бир мавзуга бирлаштирилиши иккисининг ҳам тўлиқ ўрганилишига имкон бермаган. Айтиш жоизки, Ғ.Исмоилов ушбу ишида ўзигача яратилган диссертацион ишлардаги, дарслик ва ўқув кўлланмалардаги иккиламчи номлашга оид тарқоқ фикрларни умумлаштиришга ҳаракат қилган. Ном кўчишидаги метафорик, метонимик, функциядошлик асосида юзага келган транстерминларнинг қолиплари ҳақида қизиқарли кузатишлар мавжуд. Бу борада диққатга сазовор жиҳатлардан яна бири – транстерминлар дублетлиги, вариантдорлигига бағишланган учинчи бобдир.

Ҳар бир илмий изланишда бўлганидек, юқоридаги икки муаллифнинг ишида ҳам иккиламчи номлашга тегишли камчиликлар мавжуд. Хусусан, *эллиптик субстантивация, эллиптик адъективация, эллипсис ва семантик калька* юзасидан кузатишлар берилмаганлигидир.

Бизнинг назаримизда, иккиламчи номлашга комплекс тарзда ёндошув лозим. Хусусан, иккиламчи номлаш орқали терминлар шаклланишининг инсон билими эришган ютуқлар ва унинг ривожига билан боғлиқлиги, инсоннинг ассоциатив тафаккури, унинг ассоциатив қонуниятлари асосида кечиши; иккиламчи номлашнинг психоллингвистик асослари, экстралингвистик ва интралингвистик омиллари; иккиламчи номлаш усуллари ва ўзаро муносабати, қайта номлаш билан муносабати; иккиламчи номлашнинг бирикма ва қўшма терминларда воқеланиши каби масалалар қамраб олинishi лозим.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университетининг «Ўзбек тили бирликларининг функционал-прагматик ва семантик-услубий таҳлили (синхрон ва диахрон аспект)» мавзусидаги илмий тадқиқот режасининг таркибий қисми сифатида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тили зоонимлари ва фитонимлари таркибида иккиламчи номлаш жараёнининг инсон ассоциатив тафаккурининг қайси қонуниятлари асосида кечиши, бу жараёнда ном кўчишнинг қайси омиллари ва қайси турлари фаоллигини белгилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

иккиламчи номлашни юзага келтирувчи объектив эҳтиёжнинг билиш жараёни билан, билиш жараёнида аниқланган янгиликни номлаш зарурати билан боғлиқлигини белгилаш;

иккиламчи номлаш инсон ассоциатив тафаккурига хос қонуниятлар – ўхшашлик ассоциацияси қонунияти ва ёндошлик ассоциацияси қонунияти таъсирида кечадиган метафорик ҳамда метонимик ном кўчишларини тавсифлаш;

⁴ Исмаилов Ғ.М. Ўзбек тили терминологик тизимларида семантик усулда термин ҳосил бўлиши. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – 26 б.

ном кўчишининг лисоний омили ҳисобланган эллипсиснинг иккиламчи номлаш жараёнининг доимий йўлдоши сифатидаги иштирокини далиллаш;

иккиламчи номлаш жараёнининг икки босқичи: нутқий босқичи ва лисоний босқичи мавжудлигини намойиш қилиш;

иккиламчи номлаш орқали шаклланган зоонимлар ва фитонимларнинг мотивлашувини тайинлаш;

метонимик кўчиш асосида келган иккиламчи номлашларда бўлак орқали бутун ифодаланиши фаоллигини қайд этиш.

Тадқиқот объекти сифатида ўзбек тилининг зоонимлар ва фитонимлар терминологияси таркибида учраган иккиламчи номлашлар маҳсули бўлган терминлар соҳага бағишланган энциклопедик ва бошқа луғатлардан ажратиб олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси”, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”, “Зоология энциклопедияси”, “Ботаникадан русча-ўзбекча энциклопедик луғат” ва бошқа луғатлар, ўзбек тилида нашр этилган дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва соҳалар терминологиясига бағишланган монографик тадқиқотларда аниқланган иккиламчи номлашларга оид қарашлардан танқидий фойдаланилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тавсифлаш, қиёслаш, моделлаштириш, анализ, синтез, таснифлаш методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек тили зоонимлар ва фитонимлар таркибида метафорик кўчим асосида юзага келган иккиламчи номларда ўхшатиш объекти, ўхшатиш образи, ўхшатма белги иштирок этиши очиб берилган;

ном кўчишининг лисоний омили ҳисобланган эллипсиснинг иккиламчи номлаш жараёнининг доимий йўлдоши сифатидаги иштироки далилланган;

иккиламчи номлаш жараёнининг икки босқичи: нутқий босқичи ва лисоний босқичи мавжудлиги далиллар билан асосланган;

метонимик кўчиш асосида юзага келган иккиламчи номлашларда бўлак орқали бутун ифодаланиши фаоллиги аниқланган;

иккиламчи номлашлар орқали шаклланган терминлар лексик-семантик, конверсион, синтактик, композицион усуллар билан шаклланиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

иккиламчи номлаш маълум бир денотатнинг доимий номи сифатида қўлланиб турган сўзни номи йўқ денотатга янгидан ном сифатида кўчириш билан боғлиқ тадқиқотлар ва методик ишлар яратилишига қўл келиши далиланган;

ўхшатиш ассоциацияси қонунияти асосида метафорик кўчим юзага келиши, ёндошлик ассоциацияси қонунияти асосида эса метонимик кўчим юзага келиши билан боғлиқ мавзуларни ўқитишда амалий жиҳатдан ёрдам бериш асосланган;

метафорик кўчим асосидаги номларда ўхшатиш объекти, ўхшатиш образи, ўхшатма белги иштирок этиши асослаб берилган;

бўлакнинг номи ассоциатив тафаккурнинг ёндошлик ассоциацияси қонуниятига мувофиқ бутунни англатиши ва метонимияга мансуб бўлиб қолиши аниқланган;

иккиламчи номлашлардаги эллипсислашув жараёнини кузатиш орқали иккиламчи номлашнинг нутқий босқичи ва лисоний босқичи мавжудлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Мазкур тадқиқот ишида таҳлилга тортилган материалларнинг ўзбек тили табиатидан келиб чиққан ҳолда хулосалар қилиш имконини берганлиги, уларнинг асослилиги, методологик мукамаллиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги, фойдаланилган мисоллар Ўзбекистон Республикасида нашр этилган иккиламчи номлаш асосида юзага келган терминология соҳасига оид илмий асарлар, энциклопедик луғатлар, изоҳли луғатлардан олинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот ишининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти шундаки, унда ўзбек тили терминологиясининг ўзаро яқин ва қадимий бўлган зоонимлар ва фитонимлар терминологияси таркибидаги иккиламчи номлаш асосида шаклланган терминлар комплекс тарзда ўрганилган. Хусусан, иккиламчи номлашнинг юзага келиши ва шаклланишида инсон ассоциатив тафаккурининг ўхшашлик ассоциатив қонуниятига, ёндошлик ассоциатив қонуниятига ва инсон хотирасига боғлиқ тасаввурлари ассоциацияси билан боғлиқлиги, шунингдек, иккиламчи номлаш жараёнида ном кўчишнинг метафорик, метонимик турларининг фаоллиги ёритиб берилди. Бунга қўшимча равишда иккиламчи номлашнинг доимий йўлдоши бўлган эллипсиснинг роли ва ўрни кўрсатилиши асосида унинг бевосита таъсири натижасида *эллиптик субстантивация* ва *эллиптик адъективация* каби категориал ўзгаришлар амалга ошуви кўрсатиб берилган. Шу билан бирга, иккиламчи номлашдаги эллипсислашув жараёнини кузатиш орқали *иккиламчи номлашнинг нутқий босқичи* ва *лисоний босқичи* мавжудлиги асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, унда таҳлилга тортилган иккиламчи номлашга тегишли материаллар ва мисоллар ўзбек тилида тузиладиган изоҳли луғатлар, соҳалар юзасидан яратиладиган дарсликлар, ўқув қўлланмалари, методик кўрсатмалар учун иллюстратив материал сифатида хизмат қилади. Булардан ташқари, зоология ва ботаникадан янги энциклопедик луғатлар тузиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек тили терминологиясининг зоонимлар ва фитонимлар билан боғлиқ иккиламчи номлашларни очиб бериш жараёнида маънавий-маърифий тизимни такомиллаштириш бўйича белгиланган тадбирлар асосида:

тадқиқот натижалари, яъни лексик-семантик усулда воқеланган иккиламчи номлашлар, эллиптик субстантивация асосида шаклланган иккиламчи номлашлар ва оддий сўз бирикмаси орқали шаклланган қўшма терминлардан ФА-Ф1-ГО41 “Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг

мустақиллик даври тараққиётини тадқиқ этиш” (2012-2016) мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг мустақиллик даврида ўзбек тили лексикаси тараққиётини ёритишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 19 майдаги 89-03-1928-сон маълумотномаси). Илмий натижалар асосида ўзбек тили терминларининг иккиламчи номлашлар асосида бойиши очиб берилган;

тадқиқотнинг эллипсис асосида воқеланган иккиламчи номлашлар, конверсия асосида воқеланган иккиламчи номлашлар, аниқловчи компонент адъективлашган иккиламчи номлашлар, оддий сўз бирикмаси орқали шаклланган иккиламчи номлашлар каби илмий натижаларидан ОТ-Ф8-062 “Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари” (2007-2012) мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 18 январдаги 89-03-328-сон маълумотномаси). Натижада иккиламчи номлашлар йўли билан ҳосил бўлган терминлар изоҳи бойиган;

тадқиқотнинг зоонимлар таркибидаги лексик-семантик усул билан шаклланган иккиламчи номлашга алоқадор терминлар, сифатловчи компонент иккиламчи номлаш мавқеида бўлган бирикмалар, сифатловчи компонент кўшма сўз орқали ифодаланган бирикмалар, оддий сўз бирикмаси орқали воқеланган кўшма терминлар юзага келиш механизми ўхшатиш объекти, ўхшатиш образи ва ўхшатма белги асосида таҳлил қилинган ва таҳлил натижаларидан ҚХА-8-О14-2015-сонли “Табиий серпушт қоракўл кўйлар генофондини сақлаш ва уларни урчителишнинг селекцион-технологик тизимини ишлаб чиқиш” (2015-2017) мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг қоракўл кўйлари, тана қисмлари ва қоракўл гули ҳамда унинг ифодаланиши орқали воқеланган кўшма терминлар, бўлак номлари ва ишлаб чиқариш жараёнлари номларини ёритишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 14 июндаги 89-03-2320-сон маълумотномаси). Натижада қоракўлчиликка оид кўплаб терминларнинг изоҳлари мукамаллашган;

тадқиқотнинг субстантивация ҳодисаси асосида кўшма терминнинг шаклланиши, қаралмиш компонент иккиламчи номлаш мавқеида бўлган бирикма терминлар, метафорик ва метонимик ном кўчиш асосида шаклланган терминлар, оддий сўз бирикмасидан кўшма терминлар юзага келиши таҳлили натижаларидан “Erasmus+ staff mobility between programme and partner countries KA107” номли халқаро лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 6 сентябрдаги 89-03-3141-сон маълумотномаси). Илмий натижалар асосида иккиламчи номлашга оид терминларнинг серқирралик моҳияти ёритиб берилган;

тадқиқот натижалари асосида чоп этилган “Ўзбек тили терминологиясида иккиламчи номлаш асосида шаклланган зооним ва фитонимларнинг қисқача изоҳли луғати” (ISBN 978-9943-381-77-3)да 1000 дан ортиқ терминлар изоҳланган. Илмий натижалар асосида луғавий бирликларнинг маънолари бойиган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та, жумладан, 2 та хорижий, 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 1 та изоҳли луғат, 2 та хорижий, 2 та республика, 3 та халқаро ва Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт асосий боб, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 146 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги асосланган, муаммоларнинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқот ишининг мақсад ва вазифалари, объект ва предмети аниқланган, тадқиқотда қўлланилган методлар, илмий янгиликлар ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг **“Иккиламчи номлашнинг билиш жараёни ва ном бериш эҳтиёжи билан боғлиқлиги ҳамда психолингвистик асослари”** деб номланган биринчи бобида мавзунинг ўрганилиши, терминологик системаларнинг иккиламчи номлаш таъсирида бойиб бориши ва шаклланишида иштирок этувчи омил қанчалик турли-туман бўлмасин, бу жараёнда инсон руҳиятининг ажралмас қисми бўлган хотира билан боғлиқ тасаввур ва тасаввурлар ассоциациясининг ўрни беқиёслиги, хусусан, иккиламчи номлаш инсоннинг илгари билиб олган, ҳозирда билиб олаётган нарса-ҳодисалари, уларнинг белгиси, ҳолати ва ҳаракатини ўзаро боғлиқликда тасаввур этиш, қиёслаш, ўхшатиш, зидлаш ва бошқалар билан боғлиқ мураккаб психолингвистик жараёнлар кечиши қайд этилган.

Ушбу бобнинг **“Тилшуносликда иккиламчи номлашнинг ўрганилиши ҳақида”** номли биринчи бўлимида ҳар бир тилнинг терминологияси ўзининг шаклланиш босқичларида шу тилда амал қилиб келган сўз яшаш қонуниятлари асосида ҳамда унинг умумистеъмол лексикаси билан мустаҳкам алоқада кечиши қайд этилиб, тилда иккиламчи номлашлар орқали луғавий бирликлар маъносининг ортиб бориши кишилиқ жамияти тараққиётининг қайси босқичларида пайдо бўлган деган саволга жавоб излаган ҳолда, қадимги юнон мутаффақирлари Гераклит, Демокрит, Аристотел, Феофраст, Квинтилиан қарашлари келтириб ўтилган ва таҳлил қилинган. Иккиламчи номлаш орқали номсиз нарса-ҳодисларга ном бериш

мумкинлиги масаласи тўғрисида тилшунос олимларнинг фикрлари таҳлилга тортилган⁵. XX асрнинг иккинчи ярмида ўзбек тилшунослигида касб-хунар лексикасини ҳамда илмий-техник терминологиясини ўрганишга оид ўзбек тилшунос олимларининг изланишлари тўғрисида батафсил маълумотлар келтирилган бўлиб⁶, 2003 йилда ҳимоя қилинган Л.С.Худойбердиеванинг “Ўзбек тилида номинатив бирликларнинг даражаланиши”⁷ номли илмий изланишлари ҳамда Ҳ.Шамсиддиновнинг “Умумистеъмолдаги сўзлардан лексик-семантик усул билан ясалган терминлар ва уларни тартибга солиш”⁸ мавзусидаги ишида иккиламчи номлашга оид масаланинг ҳам назарий, ҳам амалий томонлари ёритиб берилганлиги атрофлича таҳлил қилиниб, фикр-мулоҳазалар қайд этилган.

Биринчи бобнинг **“Иккиламчи номлашнинг билиш билан боғлиқ психолингвистик жараён эканлиги”** номли иккинчи бўлимида иккиламчи номлаш, тилнинг “онг қадар қадимий”лигини ҳисобга олган ҳолда, тилларда азалдан қўлланиб келаётган универсал усуллардан бири эканлиги таҳлил қилинган. Бунда қуйидаги мулоҳазалар қайд этилган. Табиатда мавжуд

⁵ Лендьел Л. “Переносное значение” или “образное употребление” слов //Лексикология и лексикография. – Москва, 1972. – С. 48-72.; Ветвицкий В.Г. О разграничении понятий “причины” и “вида” изменений значение слов // Слово в лексико - семантической системе языка. – Ленинград, 1972. – С. 10-20.; Кондрашов Н.А. История лингвистических учений. – Москва: Просвещение, 1979. – С. 11-12.; Гаспаров М.Л., Миллер Т.А. Аристотель и античная литература. – Москва: Наука, 1978. – 233 с.; Феофраст. Исследование о растениях. – Москва: Изд-во АН., 1951. – 591 с.; <https://unotices.com/page-answer.phpid=27052>.05.01.2019

⁶ Мамаатов Н. Узбекская хлопководческая терминология: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1955. – С. 16 с.; Иброҳимов С. Фарғона шеваларининг касб-хунар лексикаси. – Тошкент: Фан, 1959. – Б. 157.; Дадахонова Т. Лексика вышивального искусство в узбекском языке. – Ташкент, 1963. – 20 с.; Урунов Т. Узбекская овцеводческая терминология. Авт. дисс. ... канд. филол. наук. – Самарканд, 1964. – 24 с.; Усмонов С. Ўзбек терминологиясининг баъзи масалалари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1968. – Б. 8.; Хатамов Н.Т. Развитие узбекской литературоведческой терминологии в ... период: Авт. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1971. – 28 с.; Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. – Тошкент: Фан, 1977. – 160 б.; Базарова Д.Х. История формирования и развитие зоологической терминологии узбекского языка (на материале названий птиц); – Ташкент: Фан, 1978. – 224 с.; Ассомиддинова М. Кийим-кечак номлари. – Тошкент: Фан, 1981. –116 б.; Азизов С.А. Лексико-грамматическое исследование музыкальной терминологии узбекского языка: Авт. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1981. – 23 с.; Касымов А.И. Фармацевтическая терминология в современном узбекском языке. Авт. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1982, – 19 с.; Сапаев К. Строительная терминология узбекского языка: Авт. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1984. – 22 с.; Мадвалиев А.П. Узбекская химическая терминология и вопросы ее нормализации: Авт. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1986. – 24 с.; Турсунова Т. Меъморилик терминларининг лексик - грамматик тадқиқи. – Тошкент, Фан, 1987. – 130 б.; Собиров А.Ш. Термины узбекских народных зрелищ. Авт. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1988. – 18 с.; Икрамова Н.М. Узбекская кулинарная лексика. – Ташкент: Фан, 1989. – 70 с; Мирхаликов З.М. Лексико-семантические и грамматические особенности названий рыб в узбекском языке. Авт. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1991. – 18 с.; Шамсиддинов Ҳ “Умумистеъмолдаги сўзлардан лексик-семантик усул билан ясалган терминлар ва уларни тартибга солиш// Ўзбек тили техникавий терминларини тартибга солиш принциплари. – Тошкент, Фан, 1991. – Б 132-161.; Пўлатова Ў.М. Ўзбек хореография терминологиясининг шаклланиш манбалари ва ривожланиши. Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2001. – 26 б.; Абдиев М. Соҳа лексикасининг систем таҳлили муаммолари. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ меъроси нашриёти, 2004. – 117 б.; Исмаилов Ғ.М. Ўзбек тили терминологик тизимларида семантик усулда термин ҳосил бўлиши. Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – 26 б.; Норбоева Ш.Х. Хоразм шеваларидаги кийим-кечак номларининг структур-семантик тадқиқи. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). ... дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 44 б.

⁷ Худойбердиева Л.С. Ўзбек тилида номинатив бирликларнинг даражаланиши. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2003. – 24 б.

⁸ Шамсиддинов Ҳ. Умумистеъмолдаги сўзлардан лексик - семантик усул билан ясалган терминлар ва уларни тартибга солиш // Ўзбек тили илмий - техникавий терминларини тартибга солиш принциплари. – Тошкент, 1991. – Б 132 -161.

Ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси ҳам ғоят хилма-хил ва ранг-баранг, шу билан бирга сон-саноксиз. Ўсимликлар дунёси ва ҳайвонот дунёсидаги бу хилма-хилликни инсон ҳали тўлиқ ўрганиб адоғига етган эмас. Бу жараён ҳали ҳам давом этмоқда ва кейин ҳам давом этади. Бунинг устига, табиатдаги мавжуд ўсимликлар ва жонзотлар тузилишида, феъл-атворида, шакл-шамоилида бири-бирига ўхшаш, айна пайтда бир-бирини такрорламайдиган ноўхшаш, фарқли жиҳат ва белги-хусусиятлар бор. Инсон уларни ўрганиб бориш жараёнида уларнинг ҳар бири учун ўзига хос, ўзига мос номлар ҳам топиши зарур. Бу номлар инсоннинг зарур пайтда информация алмашуви учун, зарур пайтда тафаккур қилиши учун моддий борлиқнинг вакили сифатида ғоявий асос вазифасини ўтайди. Тилнинг тафаккур билан боғлиқ жиҳати ҳам шунда кўринади.

Иккиламчи номлашга инсонга хос тафаккур ва ижод жараёни сифатида қаралиши лозим. Чунки бунда ҳам билишдагидек инсонга хос қиёслаш, таснифлаш, абстракциялаш, анализ, синтез ва бошқа тафаккур операциялари бажарилади. Буларсиз борлиқни ташкил этувчи нарса-ҳодисаларга ўзига хос ва ўзига мос ном бериб бўлмайди.

Демак, номлаш жараёни тафаккур операциялари билан зич боғлиқ экан, бу ҳол иккиламчи номлашда қандай намоён бўлади? Мазкур саволга жавоб ҳам тафаккурнинг кенг амал қиладиган тури – ассоциатив тафаккурдан олинади. Иккиламчи номлаш маълум бир денотатнинг доимий номи сифатида қўлланиб турган сўзни номи йўқ денотатга янгидан ном сифатида кўчиришни ифодалаши таъкидланган. Бошқача айтганда, сўз ўз фонетик қиёфасини ўзгартирмаган ҳолда яна бир янги маънога эга бўлади. Одатда бу маъно тилнинг изоҳли луғатида қайд этилади, чунки кўпинча бундай маъно тилнинг умумистеъмол сўзлари билан боғлиқ тарзда юзага келади. Номнинг бу тарзда иккиламчи номлашга жалб қилиниши тилнинг зоонимлар ва фитонимлар терминосистемасида кузатилиши ёритилган.

Мазкур бобнинг **“Иккинчи номлаш орқали шаклланган терминларда мотивлашув”** номли учинчи бўлими терминларда мотивлашувни аниқлаш ёки асослаб беришнинг асосий йўли мазкур номинатив бирликнинг бирламчи ёки тўғри маъносини ва унинг иккиламчи маъносини тайинлашга бағишланган. Бундаги таҳлилда қуйидагилар қайд этилади. Терминологларнинг қайд этишича, мотивлашувнинг уч кўриниши фарқланади: морфологик, синтактик ва семантик каби. Бу қарашга кўра, аффикслар асосида юзага келган терминлар, қўшма терминлар, сўз бирикмалари ва семантик кўчиш ёрдамида юзага келган терминлар мотивлашган терминлар саналади⁹. Шахс номларини метонимик кўчириш асосида юзага келган терминлар эса мотивлашмаган терминлар сирасига киради¹⁰. Агар миллий тилнинг луғавий таркибини сфера кўринишида тасаввур қилсак, умумий лексика унинг ядросини, алоҳида олинган терминлогик лексика эса унинг перифериясини ташкил этади. Бу жиҳатдан билим соҳаси қанчалик қадимий бўлса, шу соҳанинг лексикаси умумий

⁹ Даниленко В.П. Русская терминология. – Москва: Наука, 1977. – С. 64.

¹⁰ Даниленко В.П. Русская терминология. – Москва: Наука, 1977. – С. 64.

лексиканинг шаклланишига шунчалик яқин бўлади¹¹. Бу нуқтаи назардан ўзбек тилининг зоонимлари ва фитонимлари жуда қадимий соҳаларга мансубдир. Шунинг учун ҳам бу соҳа терминларининг шаклланишида халқона соддалик кўзга ташланади. Бу ҳол иккиламчи номлаш орқали шаклланган терминларда айниқса яққол кўринади.

Диссертациянинг **“Иккиламчи номлашнинг лексик-семантик усул билан воқеланиши”** номли иккинчи боби зооним ва фитонимлар таркибидаги лексик-семантик усул билан шаклланган иккиламчи номлашга алоқадор терминлар ва уларнинг мотивлашувиغا бағишланган. Мазкур бобнинг **“Иккиламчи номлашнинг экстралингвистик омиллар асосида воқеланиши”** номли биринчи бўлимида тилшуносликда ном кўчишнинг экстралингвистик ва лингвистик омиллари ҳам фарқланиши, экстралингвистик дейилишининг сабаби, экстралингвистик омиллар: метафора, метонимия, лингвистик омиллар: эллипсис ва конверсия ҳодисалари таҳлил қилинган. Бунда **“Метафора асосида воқеланган иккиламчи номлашлар”** мавзуси билан зооним ва фитонимларга ном бериш ўхшашлик ассоциацияси қонуниятини асосида кечиши мисоллар асосида таҳлил қилинган. Хусусан, **Саватча**. Мураккабдошларга мансуб ўсимликлар тўпгули. Гуллари шохчанинг саватча шаклида кенгайган тепасида жойлашади. [БЭЛ, 142]¹² Ном ўхшатиш ассоциацияси маҳсули. Ўхшатиш объекти – ўсимликлар тўпгули, ўхшатиш образи – саватча, ўхшатма белги – шаклий. Метафорик кўчим.

Диссертацияда буларга мисол тариқасида *буқоқ, дори, елкан, жияк, илдиз, томир, ип, йўлдош, калит, парда, попук, соябон, тангачалар, тийинлар, тола, томир, тук* ва бошқа 30 дан ортиқ терминлар изоҳлаб берилган. Метафора асосидаги кўчимнинг уч таянч нуқтаси мавжуд: *ўхшатиш объекти, ўхшатиш образи ва ўхшатма белги*. Пировард натижада *ўхшатиш образи* номсиз денотатга ном бўлади. Унда ўхшатишга асосланган кўргазмалилик мавжуд.

Иккинчи бобнинг **“Метонимия асосида воқеланган иккиламчи номлашлар”** номли қисмида ҳайвон ва ўсимликларнинг номи ёндошлик ассоциацияси асосида юзага келиши тадқиқ этилган. Метонимия сўзи юнонча бўлиб, қайта номлаш маъносини англатади. Ушбу ном кўчиши луғавий маъносига қанчалик мос келади? – деган саволни бериш лозим кўринади. Чиндан ҳам бу ном кўчиши орқали номи бор денотатни қайта

¹¹ Суперанская А.В., Подольская Н.В., Васильева Н.В. Общая терминология. Вопросы теории. – Москва: Наука, 1989. – С. 28.

¹² Мисолларни беришда асарнинг қисқартма номи ва бети катта қавс ичида келтирилади (БЭЛ – Зокиров Қ.З., Жамолхонов Х.А. Ботаникадан русча-ўзбекча энциклопедик луғат. – Тошкент, Ўқитувчи, 1973. – 294 б.; ЗЭ, Сутэмизувчилар – Зоҳидов Т.З. Зоология энциклопедияси (Сутэмизувчилар). – Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1960. – 223 б.; ЗЭ, Баликлар ва тубан хордалилар – Зоҳидов Т.З. Зоология энциклопедияси (Баликлар ва тубан хордалилар). – Тошкент: Фан, 1979. – 276 б.; РЎБТҚИЛ – Зокиров Қ.З., Набиев М.М., Пратов Ў.П., Жамолхонов Х.А. Русча-ўзбекча ботаника терминларининг қисқача изоҳли луғати – Тошкент, 1963. – 153 б.; БҚРЎЛ – Олимхўжаева П.Р., Шарофиддинхўжаев Н.Ш. Биологиядан қисқача русча-ўзбекча луғат. – Тошкент: Ибн Сино номидаги нашриёт, 1990. – 84 б.; СИС – Словар иностранных слов. – Москва: Русский язык, 1989. – 623 с.; ЎЗМЭ – Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, ўн икки томлик. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006., ЎТИЛ – 5 – Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдди. 1–2–3–4–5–жилдлар. – Тошкент, 2006–2008.).

номлайдими? Ёки номи йўқ нарсани номлайдими? Агар бу ҳодиса орқали номи мавжуд нарса қайта номланса, ўз номига муносиб деган хулосага келиш мумкин. Агар бу ҳодиса орқали номи йўқ нарса номланса, ўз номига муносиб эмас деб қараш мумкин ва бу ҳодиса иккиламчи номлаш сифатида баҳоланади. Бу икки жиҳат ҳисобга олинса, улардан юзага келган натижа ҳам икки хил бўлади. Агар метонимия орқали номи мавжуд, денотат қайта номланса, тилнинг синонимлари системаси бойиб боради. Агар метонимия орқали номи йўқ денотат номланса, ўз номига эга бўлган денотат миқдори ортиб боради. Бу ҳол инсоннинг борлиқ ҳақидаги билими бир денотатга ортганини ҳам далиллайди.

Кузатишларимизга кўра, бизнинг тадқиқот объектимизда метонимик кўчиш асосида юзага келган терминларнинг қуйидаги моделлари мавжуд: 1-ўсимлик номи – шу ўсимлик асосида юзага келган маҳсулот: *ўсма, қаҳва, чой*. Ўсма ўсимлиги ҳам ундан сиқиб олиб қош ва киприкларни бўйлаш учун ишлатиладиган суюқ маҳсулот манбаи. 2-мева номи ва шу мева етишадиган дарахт: *олма, олча, ўрик* ва шунга ўхшашлар. 3-ўсимлик гули ва шу гул етишадиган ўсимлик номи. 4-дарахт ва шу дарахт ёғочи. 5-хайвон ва шу хайвоннинг териси. Буларнинг метонимик кўчиш маҳсули эканлиги ҳеч кимда шубҳа ўйотмайди.

Метонимик иккиламчи номлаш маҳсули бўлган терминлар орасида мотивлашган ва мотивлашмаган терминлар қайд этиб ўтилган. Бундай далилни ўзбек тили зоонимларида ҳам кузатилиши мавжуд: *тошбақа* терминининг мотивлашуви тошбақа косасининг тошдек қаттиқлиги билан мотивлашади, *юмшоқ тошбақа* терминида бирламчи мотивлашув йўқолган, бошқача айтганда парадокс ҳолат юз берган.

Ўзбек тили фитонимларига тегишли иккиламчи номлашларда ҳам мотивлашмаган терминлар бор. Масалан, **алигавҳар** Фарғона вилоятида машҳур Алигавҳар қовунчининг исмидан олинган қовун нави. **Камол, давлатбой, асанбей, мулласано, калҳасан, мелиумар** каби қовун навлари ҳам шундай пайдо бўлган¹³. Шунингдек узум навларидан бири *ризамат* ҳам шундай юзага келган.

Метонимиянинг таянч нуқтаси иккита, улар бир-бирига нисбатан икки қутбийдир. Шу икки қутбийлик ҳам кўзга ташланмайди: икки қутбийликни ташкил этувчи компонентнинг бири доимо яширин қолади, унинг мавжудлиги биринчи орқали белгиланади.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Иккиламчи номлашнинг интралингвистик омиллар асосида воқеланиши**” номли иккинчи бўлимида иккиламчи номлашнинг эллипсис ва конверсия асосида шаклланиши тадқиқ этилиб, ушбу бўлимнинг “**Эллипсис асосида воқеланган иккиламчи номлашлар**” номли қисмида иккиламчи номлашнинг нутқий босқичида шаклланган ном лисоний босқичида эллипсисга учраши сабаб бўладиган ва натижада, қисқа, ихчам, хотирани зўриқтирмайдиган терминлар қарор топиши тадқиқ этилган. Эллипсиснинг

¹³ Сапаров М. Туркий тилларда полиз экинлари номлари // Исмоилов И., Мелиев К., Сапаров М. Ўрта Осиё ва Қозоғистон туркий тиллари лексикасидан тадқиқот. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 244-245.

иккиламчи номлашдаги бундай кўламдаги иштироки фалсафанинг миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши қонунининг номлашдаги инъикоси сифатида баҳоланиши лозим.

Шу бўлимнинг **“Конверсия асосида воқеланган иккиламчи номлашлар”** номли қисмида зоонимлар таркибида ҳам, фитонимлар таркибида ҳам конверсия туфайли юзага келган иккиламчи номлашлар, уларнинг шаклланиши тадқиқ этилган.

Эллипсис ва конверсия ҳодисалари бир-бирини тақазо этувчи ҳодисалар бўлиб, сабаб-натижа муносабатини англатади. Шунинг учун ҳам уларнинг воқеланиши иккиламчи номлашнинг барча усулларида иштирок этади. Демак, улар бир-бири билан боғлиқ равишда шарҳланиши лозим. Конверсиянинг терминлогияда акс этиши ёритилар экан, бу ҳодисанинг иккиламчи номлашдаги ўзига хос бир кўринишини қайд этиш зарурга ўхшайди: хусусан, метафорик кўчиш асосида шаклланган терминларнинг айримлари денотатнинг бир бўлагини номлаши эътибори билан бутунни англатади. Масалан, *жийдагул* қовун нави иккиламчи номлашнинг нутқий босқичида *гули жийданинг гулига ўхшаган қовун* кўринишида бўлган, номлашнинг лисоний босқичида *жийдагул* кўринишини олган. *Жийдагул* метафорик кўчимга мансуб, кўриниб турибдики, эллипсис натижасида бўлак номи бутунни англатаяпти, буни ҳам метафоранинг метонимик кўчимга айланиши ҳам конверсия ҳодисасининг бир кўриниши сифатида баҳоланиши мумкин. Шунга ўхшаш ҳолат оддий сўз бирикмалари – *қора томир*, *қизил томир*, *қора қулоқ* каби номларнинг бирламчи номлаш бирлиги бўла туриб, бутунни англатишида ҳам кузатилади. Натижа шу билан тугайдики, бўлакнинг номи бўлган бирлик бутунни англатади: кўчим метонимияга тегишли. Бунда бўлакнинг номи бутунни англатади: *қоратомирли ўсимлик*, *қизилтомирли ўсимлик*, *қорақулоқли йиртқич ҳайвон* бирикмалари лисоний босқичда эллипсислашув натижасида қўшма терминга айланади: яъни оддий бирикма қўшма сўзга айланади. Қўшма терминларнинг муайян қисми ўхшатиш оборотларидан шаклланган бўлади. Қиёсланг: *Хўкизнинг калласига ўхшаган йирик қовун* > *хўкизкалла*, *барги жийданинг япрогига ўхшаган қовун* > *жийдаяпроқ*, *уч қисми жўжанинг бурнига ўхшаган қовун* > *жўжабурун* каби. Номлашнинг лисоний босқичида шаклланган метафорик кўчимда ҳам, метонимик кўчимда ҳам денотатнинг бўлаги ифодаланаяпти. Айни шу сабаб метафорани ҳам, метономияни ҳам ўзаро бирлаштиряпти. Бу бирлашиш уларни номлаш жараёнидаги кесишадиган нуқтасидир. Иккиламчи номлаш орқали юзага келган метафорик кўчим билан метономик кўчимнинг ўзаро бирлаштириб турадиган жиҳат битта, у ҳам бўлса, бўлак орқали бутунни ифодалашидир.

Диссертациянинг учинчи боби **“Иккиламчи номлашнинг бирикмалар орқали воқеланиши”** деб номланади. Бирикма орқали шаклланган иккиламчи номлашда асосан уч кўринишни қайд этиш мумкин. 1. Уларнинг энг характерлиси сифатловчи–сифатланмиш бўлиб, сифатловчи бўлак сифатланмишни аниқлаб келади ва уларнинг иккиси ҳам от туркумидаги сўздан ифодаланади. Ўз навбатида, оддан ифодаланган сифатловчи бўлак

отлик хусусиятини нейтраллаштириб, сифатга хос вазифа бажаради, яъни адъективлашган бўлади. Бу ўзгариш сиртдан караганда, метафорик кўчим бўлиб кўринади. Демак, от туркумидаги сўзнинг сифатлашувини назарга олсак, уни *метафорик адъективация* деб баҳолашимиз зарур бўлади. Албатта бу жараёнда эллипсиснинг ҳам таъсири бор. Масалан, *боши буйволнинг бошига ўхшаган балиқ > буйвол балиқ*. Қиёс: сутэмизувчи+балиқ. Қиёс мевалар орасида ҳам бўлиши мумкин: *анжир шафтоли, нок беҳи, тиста бодом*.

2. Қаралмиш компонент иккиламчи номлаш мавқеида бўлган бирикмаларда асосан бир-биридан кескин фарқ қилувчи муҳит жониворлари қиёсланади. Шу сабабли ҳам, муҳитни билдирувчи от қараткич вазифасидаги аниқловчи ҳисобланади. Қуйидаги зоонимлар шундай шаклланган: *денгиз мушуги, денгиз сигири, денгиз тойчалари, денгиз фили, денгиз чўчқаси, денгиз чўчқачаси, денгиз қуёни, денгиз шери, денгиз қоплони, денгиз қундузи* каби. Эътибор берилса, қуруқлик сутэмизувчилари денгиз сутэмизувчиларига қиёсланган.

Қиёс баъзан бир денгиз жониворлари қуруқлик ўсимлиги мевалари орасида кечади: *денгиз бодринглари, денгиз ёнгоқлари* каби.

Айрим ҳолларда қиёс астронимларга асосланади: *денгиз юлдузлари* каби.

Гоҳида ўхшашлик асосидаги қиёс дунёвий манзаралардан топилмаса, диний тасаввурларда яратилган теонимлардан топилади: *денгиз фариштаси, денгиз иблислари, денгиз шайтони, жаннат қушлари* каби.

3. Иккиламчи номлашнинг бирикмалар орқали воқеланишида сифатловчи компонент қўшма сўзлар билан шаклланганларини ҳам ажратиб кўрсатиш мумкин. Уларнинг аксари сифатловчи-сифатланмиш моделида шаклланиб, сифатловчилари қўшма сўз кўринишида бўлади: *куракбурун балиқчи, тиллақош чипорилон, қошиқбош илонлар, хумбош балиқ, оқсоқол маймун, бўритиш илонлар* каби.

Тадқиқотнинг тўртинчи боби **“Иккиламчи номлашнинг қўшма терминларда воқеланиши”** тарзида номланган.

